


«ТАСДИҚЛАНГАН»
«SILK CAPITAL» АЖ
муассиси томонидан

2019 йил «07» августдаги

5-сонли қарори билан



«SILK CAPITAL»

Акциядорлик жамияти

УСТАВИ

(янги тахрир)

Тошкент – 2019 йил

I. Умумий коидалар

1.1. «SILK CAPITAL» акциядорлик жамияти Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманининг Ягона дарча Маркази томонидан 2017 йил 12 апрелда 506945-сон билан рўйхатга олинган «SILK CAPITAL» акциядорлик жамияти хорижий корхонаси номи ўзгариш натижасида ташкил этилган ва унинг ҳуқуқий ворисидир.

1.2. «SILK CAPITAL» акциядорлик жамияти барча акциядорларига нисбатан уларнинг улушлари, даромадлар даражаси, жинси, ирки, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар тенг муносабатни таъминлайди.

II. Жамиятнинг фирма номи, жойлашган ери ва электрон почта манзили

2.1. Жамиятнинг давлат тилидаги тўлиқ фирма номи:

«SILK CAPITAL» *Aksiyadorlik jamiyati*;

«SILK CAPITAL» *Акциядорлик жамияти*;

Жамиятнинг давлат тилидаги қисқартирилган фирма номи:

«SILK CAPITAL» *AJ*;

«SILK CAPITAL» *АЖ*;

Жамиятнинг рус тилидаги тўлиқ фирма номи:

Акционерное общество «SILK CAPITAL»;

Жамиятнинг рус тилидаги қисқартирилган фирма номи:

АО «SILK CAPITAL»;

Жамиятнинг инглиз тилидаги тўлиқ фирма номи:

«SILK CAPITAL» *Joint-Stock Company*;

Жамиятнинг инглиз тилидаги қисқартирилган фирма номи:

«SILK CAPITAL» *JSC*.

2.2. Бундан буён матнда «Жамият» деб аталувчи «SILK CAPITAL» акциядорлик жамиятининг жойлашган ери ва почта манзили:

100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 59А-уй.

2.3. Жамиятнинг электрон почта манзили: *info@silkcapital.net*.

2.4. Жамиятнинг расмий веб-сайти: *www.silkcapital.uz*.

III. Жамиятнинг ҳуқуқий мавқеи

3.1. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансига, алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эгадир. Ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлишга ҳақлидир.

3.2. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

3.3. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

3.4. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк хисоб-рақамларни очишга ҳақлидир.

3.5. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

3.6. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

IV. Жамият фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишлари), мақсади ва ҳуқуқлари

4.1. Жамиятни ташкил этишнинг асосий мақсади — фойда олиш.

4.2. Жамият фаолиятининг асосий йўналиши - қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият. Шу жумладан:

- суғурта ва нафақа таъминотидан ташқари молиявий хизматлар кўрсатиш бўйича бошқа ёрдамчи фаолият;

- жамғармаларни бошқариш;

- инвестиция маслаҳатчиси фаолияти;

- инвестиция воситачиси фаолияти;

- инвестиция активларини ишончли бошқарувчиси фаолияти;

- трансфер – агенти фаолияти;

- тижорат фаолияти ва бошқарув масалалари бўйича маслаҳат бериш.

4.3. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

4.4. Жамият рухсатнома (лицензия) талаб қиладиган фаолиятни амалга ошириш учун тегишли рухсатнома (лицензия) олинганидан сўнг ушбу фаолиятни амалга оширишга ҳақли.

4.5. Жамият қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.5.1. ўз филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

4.5.2. юридик шахс бўлган шўъба хўжалик жамиятлари ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиш;

4.5.3. ўз маблағларини қўшма ва бошқа турдаги корхоналар ташкил этишга жалб этиш ва тегишли даромад ва фойда олиш учун бошқа турдаги фаолиятларни амалга ошириш.

4.6. Жамият ўз олдида қўйилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш мақсадида бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

V. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори

5.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хилдир.

5.2. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори **2 911 000 000** (икки миллиард тўққиз юз ўн бир миллион) сўмни ташкил қилади ва номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 2 911 000 (икки миллион тўққиз юз ўн бир минг) дона эгаси ёзилган оддий акцияларга бўлинган.

VI. Жамият акцияларининг сони, номинал қиймати, турлари

6.1. Жамият томонидан 2 911 000 (миллион тўққиз юз ўн бир минг) дона эгаси ёзилган оддий акциялар чиқарилган ва жойлаштирилган.

6.2. Жамият устав фондини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларининг сони 1 000 000 000 (бир миллиард) дона эгаси ёзилган оддий акциялардан иборат.

6.3. Жамият акцияларининг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм.

VII. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ва камайтириш

7.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

7.2. Қўшимча акциялар мазкур уставда белгиланган эълон қилинган акцияларнинг сони доирасидагина Жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

7.3. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

7.4. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

7.5. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда мазкур уставда кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

7.6. Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш ҳақидаги қарор Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

7.7. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

7.8. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) унинг ўз капитални хисобидан кўпайтиришда кўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига муносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди (устав капитални) кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

7.9. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келадиган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

7.10. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очиқ ва ёпиқ обуна воситасида, биржа ва биржадан ташқари бозорларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштиришга ҳақли.

7.11. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақиқат пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига муносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

7.12. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланмайдиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулк ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади. Жамиятнинг кўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларига ҳақ тўлаш тартиби уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

7.13. Жамиятнинг кўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

7.14. Агар Жамиятнинг пулдан ўзга воситалар билан ҳақиқат тўланаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, Жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳақиқат сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси баҳоловчи ташкилот томонидан чиқарилиши зарур.

7.15. Жамиятнинг устав фонди (устав капитални) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

7.16. Жамият устав фондини (устав капитални) камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори Жамият устав фондининг (устав капиталининг) Жамият

уставидаги тегишли ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 17-моддасида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

7.17. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

7.18. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини (устав капиталини) камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

7.19. Жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди (устав капитали) камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

VIII. Жамият бошқарув органлари, уларни шакллантириш тартиби ва ваколатлари

8.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва ижроия органи (Директор) Жамиятнинг бошқарув органларидир.

8.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

Агар Жамиятнинг барча оддий акциялари битта акциядорга тегишли бўлса акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Мазкур устав билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яққа тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши керак.

8.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Жамият Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

8.4. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

8.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Одатда акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши июнь ойида ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгашини ва тафтишчисини сайлаш тўғрисидаги, Жамиятнинг Директори билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек қонун ҳужжатлари ва мазкур уставга мувофиқ Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг Жамиятни

ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

8.6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

8.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

8.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

8.8.1. Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, Кузатув кенгаши қарори билан Жамият уставига Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно;

8.8.2. Жамиятни қайта ташкил этиш;

8.8.3. Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

8.8.4. Жамият Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

8.8.5. Эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

8.8.6. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

8.8.7. Ўз акцияларини олиш;

8.8.8. Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Директорини сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Шунингдек Жамият Кузатув кенгаши Жамиятнинг Директори билан тузилган шартномани, агар у Жамият уставини кўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга;

8.8.9. Жамият тафтишчисини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтишчи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

8.8.10. Жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш. Зарур ҳолларда Жамиятнинг тасдиқланган ривожлантириш стратегияларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

8.8.11. Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

8.8.12. Жамият Кузатув кенгашининг ва тафтишчисининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтишчисининг хулосаларини эшитиш;

8.8.13. Имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 35-моддасида ва мазкур уставда назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

8.8.14. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

8.8.15. Акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

8.8.16. Жамиятнинг Директорига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни энг юқори миқдорларини белгилаш;

8.8.17. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

8.8.18. Жамиятнинг кундалик хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш;

8.8.19. Хайрия (ҳомийлик) ёки бегараз ёрдамни энг кўп миқдорларини белгилаш;

8.8.20. Мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес жараёнлар ва лойиҳалар Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги ҳар йиллик таҳлилининг ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш;

8.8.21. Ички назорат, Дивиденд сиёсати, Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

8.8.22. Мазкур Жамият уставига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

8.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Директорига ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

8.10. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари акциядорлар эътиборига:

- акциядорлар умумий йиғилиши тугаганидан сўнг эълон қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилиш баённомаси тузилган санадан икки иш куни давомида муҳим факт тўғрисидаги маълумотларни ошқор қилиш йўллари билан етказилади.

Агар Жамият акциялари фонд биржасининг листингига киритилган бўлса Жамият фонд биржасининг расмий веб-сайтида тегишли ахборотни эълон қилиши шарт.

8.11. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар фойдани тақсимлаш бўйича таклифлар киритишга ҳамда Жамият Кузатув кенгаши ва тафтишчилигига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

8.12. Акциядорлар (акциядор) Жамият Кузатув кенгаши ва тафтишчилигига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

8.13. Кузатув кенгаши Жамиятнинг фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

8.14. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

8.14.1. Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Жамият Директорининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

8.14.2. Акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

8.14.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

8.14.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойини белгилаш;

8.14.5. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

8.14.6. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

8.14.7. Мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

8.14.8. Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

8.14.9. Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

8.14.10. Аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

8.14.11. Жамиятнинг тафтишчисига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

8.14.12. Дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

8.14.13. Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

8.14.14. Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- 8.14.15. Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- 8.14.16. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- 8.14.17. Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- 8.14.18. Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 8.14.19. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек Жамият уставига Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;
- 8.14.20. Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;
- 8.14.21. Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласига ўзгартиришлар ва (ёки) кўшимчалар киритиш ва уларнинг матнини тасдиқлаш;
- 8.14.22. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- 8.14.23. Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 8.14.24. Қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 8.14.25. Жамиятнинг Директорига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш.
- 8.14.26. Хайрия (ҳомийлик) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш;
- 8.14.27. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган доирада, хайрия (ҳомийлик) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш бўйича қарор қабул қилиш;
- 8.14.28. Корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
- 8.14.29. Ахборот сиёсати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- 8.14.30. Кузатув кенгаши қошида кўмиталар (ишчи гуруҳлар) тузиш ва уларнинг фаолияти тартибини белгиловчи низомларни тасдиқлаш.
- 8.15. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя

қилиш тўғрисида»ги қонуни ва мазкур уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

8.16. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг Директорига ўтказилиши мумкин эмас.

8.17. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади. Жамият кузатув кенгашининг сон таркиби 3 кишидан иборат.

8.18. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

8.19. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

8.20. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлик беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

8.21. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

8.22. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

8.23. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

8.24. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг Кузатув кенгаши мажлисини чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

8.25. Жамият Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

8.26. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, агар қонунчиликда ва мазкур уставда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса.

8.27. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш яккабошчилик асосидаги ижроия органи (Директор) томонидан амалга оширилади.

8.28. Жамият Директори акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади (тайинланади). Жамият Директорини тайинлаш, қоида

тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

8.29. Жамият Директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида, жамиятнинг мазкур уставида, ижро органи тўғрисидаги низомда ва у билан бир йил муддатга тузиладиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамият Директори билан тузиладиган шартномада унинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

8.30. Жамиятнинг Директорига тўланадиган ҳақ миқдори жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

8.31. Жамиятнинг Директори вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

8.32. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Директори билан тузилган шартномани у шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

8.33. Жамият Кузатув кенгаши Директори билан тузилган шартномани, агар у Жамият уставини қўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

8.34. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Жамият Директорининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Жамият Директорининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд Жамият Директорининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

8.35. Директорининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган Жамият Кузатув кенгаши Жамият Директорининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек Жамиятнинг Директори тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради.

8.36. Жамият Директорининг ваколатига Жамиятнинг қундалиқ фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

8.37. Жамиятнинг Директори акциядорлар умумий йиғилишининг ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини таъминлайди.

8.38. Жамият Директорининг ваколатлари (ҳуқуқлари):

- 8.38.1. Ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- 8.38.2. Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалаш;
- 8.38.3. Жамият номидан ишончномаларни бериш;
- 8.38.4. Ўз ваколатлари доирасида, Жамият номидан битимлар тузиш;
- 8.38.5. Ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларни тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини куллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;
- 8.38.6. Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;
- 8.38.7. Штатларини тасдиқлаш;
- 8.38.8. Жамиятнинг барча ходимлари, акциядорлик жамиятлари ва ташкилотлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар қабул қилиш ва кўрсатмалар бериш;
- 8.38.9. Жамият Кузатув кенгашининг ишида иштирок этиш;
- 8.38.10. Банкларда ҳисоб рақамлар (миллий ва хорижий валюта ҳисоб рақамлар) очиш;
- 8.38.11. Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;
- 8.38.12. Қонун ҳужжатлари, мазкур устав, меҳнат шартномаси ва жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларида белгиланган бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар).
- 8.39. Жамият Директорнинг мажбуриятлари:
- 8.39.1. жамиятнинг кузатув кенгаши, тафтишчиси ва жамият аудитори талабига кўра қонунчиликда белгиланган тартибда жамият ҳужжатларини тақдим этиш;
- 8.39.2. жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш;
- 8.39.3. дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш;
- 8.39.4. қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши ва ишончилигини ҳамда акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
- 8.39.5. давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- 8.39.6. Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва уларнинг меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;
- 8.39.7. ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;
- 8.39.8. Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

8.39.9. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ҳамда жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;

8.39.10. қонун ҳужжатлари, мазкур устав, меҳнат шартномаси ва жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятлар.

IX. Жамиятнинг фондлари

9.1. Жамиятда соф фойда ҳисобидан захира фонди ташкил этилади.

9.2. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизи миқдорда захира фонди ташкил этилади.

9.3. Жамиятнинг захира фонди мазкур уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори мазкур уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

9.4. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

9.5. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

9.6. Агар Жамиятнинг захира фонди тўлиқ ёки қисман сарфланса, мажбурий ажратмалар ўтказиш тикланади.

9.7. Жамият қонунчилиқда бегиланган тартибда бошқа фондларни ташкил этиш ҳуқуқига эга.

X. Дивидендларни тўлаш

10.1. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

10.2. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

XI. Жамиятнинг фаолиятини назорат қилиш

11.1. Жамиятнинг молия-хўжалиқ фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тафтишчиси сайланади.

11.2. Жамият тафтишчисига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс Жамиятнинг тафтишчисига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

11.3. Жамият тафтишчисининг ваколат доираси қонун ҳужжатлари ва Жамиятнинг мазкур устави билан белгиланади.

11.4. Жамият тафтишчисининг ёзма талабига кўра Жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар Жамиятнинг молия-хўжалиқ фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтишчисига тақдим этиши шарт.

11.5. Тафтишчиси бир вақтнинг ўзида Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

11.6. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтишчининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, Жамият Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра, Жамият Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

11.7. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра Жамиятнинг тафтишчиси хулоса тузади, бу хулосада:

- Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончилигига доир баҳо;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

11.8. Тафтишчиси Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Жамият Кенгаши кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу уставнинг 11.7-бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

11.9. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

11.10. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

ХII. Яқуний қоидалар

12.1. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида Кузатув кенгаши томонидан мазкур уставга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

12.2. Жамият уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

12.3. Агар мазкур уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

12.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида Жамиятнинг мазкур уставида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган

бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади.

12.5. Акциядорлар умумий йиғилишини чақириш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади ва Жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги низом билан белгиланади.

12.6. Жамият Кузатув кенгаши, ижроия органи ва тафтишчисининг фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган низомларда белгиланади.

12.7. Жамиятнинг миноритар акциядори асосиз равишда ҳужжатларни талаб қилиб олиш ва махфий маълумотлардан, тижорат сиридан фойдаланиш орқали Жамият бошқарув органлари фаолиятига тўсқинлик қилиши мумкин эмас.

12.8. Мазкур уставда тартибга солинмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан тартибга солинади.